

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОШИМОВ ИБРОХИМ НАБИЕВИЧ

**ТУПРОҚНИ ЭРОЗИЯДАН МУҲОФАЗАЛАШ ҲАМДА
ЗИРОАТЛАРДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ
ОМИЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

УЎТ: 633.511:633.11:633.853.52:6.35.65:631.4:632.125

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Хошимов Иброхим Набиевич

Тупроқни эрозиядан муҳофазалаш ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли
ҳосил етиштириш омилларининг илмий асослари 3

Хошимов Иброхим Набиевич

Научные основы защиты почвы от эрозии, а также факторов получения
высокого и качественного урожая сельскохозяйственных культур 29

Xoshimov Ibroxim Nabievich

Scientific bases of soil erosion protection and factors for obtaining high-quality
yield from crops..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОШИМОВ ИБРОХИМ НАБИЕВИЧ

**ТУПРОҚНИ ЭРОЗИЯДАН МУҲОФАЗАЛАШ ҲАМДА
ЗИРОАТЛАРДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ
ОМИЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Qx109 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuva.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилга жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Нурматов Шермат Нурматович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: **Саломов Шавкат Туробович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим,
Қурбонгаев Раҳмон
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Исашов Анваржон
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи таълимчи: **Мирзо Улдуғбек номидagi Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.05.30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «15» 12 2020 йил соат 9²⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: rahta.uz@mail.ru)

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел:(99878) 150-62-84; факс 99878) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «2» 12 кун тарқатилди.
(2020 йил «2» 12 даги 1 рақамли респстр баённомаси)


Б.М.Халиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошиқдаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича 1964,4 миллион гектар ер майдонлари деградацияга учраган бўлиб, шундан 55,7 фоизи сув эрозияси натижасида содир бўлади. Деградацияга учраган майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатлари ерлари ҳиссасига тўғри келади. Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 6-7 миллион гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетмоқда. Ер ва сув ресурсларининг кучайиб бораётган деградацияси бутун жаҳоннинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасига салбий таъдид қилмоқда. Мазкур вазият 2050 йилга бориб 9 миллиард кишини ташкил этиши кутилаётган бутун жаҳон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини чегаралаб қўйиш эҳтимоли борлиги айтилмоқда¹.

Дунё мамлакатларида эрозия жараёнини келтириб чиқарувчи омиллар, эрозияга чалиниши бўйича классификация ишлаб чиқилиб, хариталаштирилган, ушбу майдонларда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш усуллари ва турлари, тупроқ зарраларини ювилишини камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларни ишлаб чиқилиб жорий этилган бўлсада, ер, сув, ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саъноатни ҳом-ашё билан, чорвачиликни тўйимли озиқа билан таъминлаш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда ирригация эрозиясидан 722 минг, шамол эрозиясидан (экин экиладиган ҳудудларда) 1812 минг, сув ва шамол эрозиясидан жами 1929 минг гектар ерлар зарар кўради. Шунинг учун эрозия жараёнларини олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш энг долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонида² Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини ошириш, барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг чора тадбирлари белгилаб берилган. Унга кўра қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ер, сув, ўғит ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация эрозияси жараёнларини камайтириш, ресурстежамкор инновацион агротехнологияларни илмий

¹http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=68868.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва иновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3432-сонли, 2019 йил 25 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4499-сонли, 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4575-сонли, 2020 йил 11 май “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4709-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Тупроқ деградацияси ва эрозияси жараёнларнинг келиб чиқиши, уларга қарши кураш чоралари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Жумладан: University of California Press (АҚШ), Oxford University (Англия), University of Hohenheim (Германия), International Centre for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Field Crops Research Institute (Туркия), Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети, Россия деҳқончилик ва тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, Белград давлат қишлоқ хўжалик академияси, Қозоғистон давлат аграр университети, Қирғизистон давлат аграр университети, Туркманистон давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат миллий университети, Тошкент давлат аграр университети, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ҳозирги кунда ерларни эрозияга чалиниши бўйича классификация ишлаб чиқилган

бўлиб, харитаси ҳам тузилган, ирригация эрозиясини олдини олиш ва қарши кураш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, алмашлаб экиш тизимлари, суғориш усуллари, табақалаб ўғитлаш (В.Б.Гуссак, Қ.М.Мирзажонов, Х.М.Махсудов, Ш.Н.Нурматов, Л.А.Гафурова, К.М.Мўминов, Г.Н.Абдалова, А.М.Дехқонов ва бошқалар), турли тупроқ иқлим шароитларида ғўза навларини кўчат қалинликларини жойлаштириш, уларни ўғитлаш меъёрлари (М.В.Мухаммеджонов, А.Э.Авлиёқулов, Ғ.М.Сатипов, Н.Ўразматов, А.А.Автономов, М.М.Хасанов, А.Б.Колдаев, О.М.Сулаймонов ва бошқалар), ғўза билан бирга ҳамкор экинлар етиштириш (Қ.М.Мирзажонов, И.Э.Рўзиёв ва бошқалар), кузги буғдойни экиш муддатлари, суғориш ва ўғитлаш меъёрлари (Б.М.Халиков, Н.Х.Халилов, Т.Х.Хожақулов, Р.И.Сиддиқов, Н.М.Ибрагимов, С.О.Абдурахмонов, Б.М.Холмирзаев, З.К.Мўминова ва бошқалар), такрорий экинлар етиштириш (Б.М.Халиков, Р.Ш.Тилляев, Ф.Б.Номозов, А.А.Иминов, А.Х.Рахимов ва бошқалар) бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ ирригация эрозиясига учраган ерларда ювилиш жараёнларини кескин камайтириш, ирригация эрозиясига учраган турли тупроқлар шароитида ғўза билан ҳамкор экинлар етиштириш, тупроққа ишлов бериш, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини кузги буғдойни дон ҳосилига таъсири ва такрорий экинларни суғориш усуллари ва озиклантириш меъёрлари, ерларни қиялик даражасига боғлиқ холда ғўза навларини кўчат қалинликларини мақбул жойлаштириш, ер, сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, зироатлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг мажмуий технологияларини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация илмий-тадқиқотлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВЛ-10 “Ирригация эрозиясига учраган ерлар унумдорлигини сақлаш, бир майдондан бир йил мобайнида икки марта ҳосил олиш технологияларини яратиш” (2006-2008 йй), ҚХА7-026-I “Ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни экиш, уларни суғориш усуллари ва озика тартибини тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш” (2009-2011 йй), ҚХА7-026-II “Ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосил олиш технологиясини такомиллаштиришни ўрганиш” (2009-2011 йй), ҚХА-7-043 “Ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологияларини такомиллаштириш” (2012-2014 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ирригация эрозиясига учраган майдонларда ер ресурслари, суғориш сувлари ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, тупроқ заррачаларининг ювилишини камайтириш, зироатлардан (ғўза, кузги

буғдой, такрорий соя, ловия, мош, сидератлар ва ҳамкор экинлар сабзи, ош лавлаги, турп, шолғом, мош) юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни илмий асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қияликга эга бўлган ерларни ирригация эрозиядан муҳофазалаш ва зироатлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, ер, сув ва маъдан ўғитлардан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш;

ирригация эрозиясига учраган ерларда қўшимча даромад олиш ҳамда тупроқ зарраларини ювилишини камайтириш, ғўза билан бирга ҳамкор (сабзи, ош лавлаги, мош, турп ва шолғом) экинлар етиштириш усулини ишлаб чиқиш;

ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини, кузги буғдойни ўсиш, ривожланиши, дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойдан сўнг такрорий соя, мош ва ловия экинларини етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, суғориш суви тезлиги ҳамда тупроқ зарралари ювилишини камайтириш учун зиг-заг усулда суғориш ва маъдан ўғитлар билан озиклантириш меъёрини ишлаб чиқиш;

қияликнинг тупроғи ювилган ва ювилиб тушган қисмлари бўйлаб ғўзанинг Андижон-37 ва Султон навларини турли кўчат қалинликларда жойлаштириш ҳамда озиклантиришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ирригация эрозиясига учраган ерларни муҳофазалаш, зироатлардан (ғўза, кузги буғдой, такрорий ҳамда ҳамкор экинлар) юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланилган агротадбирларни (ғўза билан ҳамкор экин етиштириш, кузги буғдойни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш меъёрлари, такрорий экинларни суғориш усуллари, ғўза навларини кўчат қалинликлари) тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий ҳоссаларига, суғориш учун берилаётган сувни тупроққа сингиш миқдорини ортишига ва оқовага чиқаётган миқдорини ҳамда тупроқ заррачаларини ювилишини камайтиришга таъсирини аниқлаш;

тупроқ муҳофазаси ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омилларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида қадимдан суғорилиб келинаётган ирригация эрозиясига учраган Тошкент вилоятининг типик бўз, Андижон вилоятининг оч тусли бўз, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон ҳамда Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, ғўза, кузги буғдой, соя, ловия, мош, сабзи, ош лавлаги, шолғом, турп экинлари олинган.

Тадқиқот предмети. турли агротехник омилларни зироатларни суғоришда рўй берадиган тупроқ зарралари ювилиши, тупроқни агрофизикавий ва агрохимёвий ҳоссалари, шунингдек, асосий, такрорий ва ҳамкор экинларни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликка таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот услуги. Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатишлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва «Методы

агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубига асосан Microsoft Excel дастури асосида математик статистик таҳлил қилинган, “Методические указания по определению качества растительной продукции” ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз, Андижон вилоятининг оч тусли бўз, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон ҳамда Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг ирригация эрозиясига учраган майдонларида ер, сув, маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда:

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза билан ҳамкор экинларни биргаликда етиштириш усули ишлаб чиқилиб, тупроқ зарраларини ювилиши камайиши ҳамда пахта ҳосилига қўшимча сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом етиштириш агротехнологиясининг самарадорлиги аниқланган;

кузги буғдой экишдан олдин ғўза қатор ораларига культиватор билан 12-14 см, чизель билан 16-18 см, ооч билан 28-30 см чуқурликда ишлов берилганда уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, бошоқ узунлиги, дон сони, 1000 дон дон вазни, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда зиг-заг усулда суғориш ҳамда маъдан ўғитлар меъёрининг такрорий соя, мош ва ловия экинлари ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўзани Андижон-37 ва Султон навларидан юқори пахта ҳосили етиштиришда қияликнинг тупроқ зарралари ювилган ва ювилиб тушган қисмлари учун кўчат қалинлиги ҳамда озиклантириш меъёрлари аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларни муҳофазалаш ва зироатлар етиштиришда қўлланилган агротехник омиллар ғўза билан ҳамкор экинлар экиш, кузги буғдойни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ сарфи ва озиклантириш меъёрлари, такрорий экинларни зиг-заг усулида суғориш таъсирида сувнинг тупроққа сингиши, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий ҳоссалари яхшиланиб, оқова ва лойқанинг ювилиши камайиши аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларни муҳофазалаш ва зироатлардан юқори ҳосил етиштириш агротехник омилларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом) экинлар экилиб, бирга парваришланиши натижасида оқова сувининг 80,5-199,2 м³/га, тупроқ зарраларини ювилиши 3,5-4,5 т/га камайган. Пахта ҳосили 1,5-4,5 ц/га ортиб, ғўза қатор ораларига ҳамкор

экинлар экилганда пахта ҳосилига кўшимча 32,4-37,3 ц/га сабзи, 19,7-47,3 ц/га лавлаги, 14,4-17,1 ц/га мош, 22,5-48,4 ц/га турп, 21,8-46,0 ц/га шолғом ҳосили етиштирилган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойни экишдан олдин ғўза қатор ораси 12-14 см чуқурликда культиватор билан ишланганда уруғ сарфи ва маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроққа сингиган сув миқдори 2105,9-2222,8 м³/га ни ташкил этган бўлса, 28-30 см чуқурликда шудгорланган далада 52,5-227,6 м³/га ортиб, оқова миқдори 31,5-134,2 м³/га, тупроқ заррачалари ювилиши 1,6 т/га камайган, ғўза қатор орасига 12-14 см чуқурликда культиватор билан ишланиб, уруғ экиш меъёри 4 млн.донадан 6 млн.донага оширилганда дон ҳосили 10,4 ц/га ортган, 28-30 см чуқурликда шудгорланганда майдонларда эса экиш меъёрини ортиши билан дон ҳосили 6,8-13,8 ц/га камайган, Маъдан ўғитлар N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га дан N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ кг/га гача оширилганда эса дон ҳосили кўчат қалинлиги ва тупроққа ишлов бериш усулларига боғлиқ ҳолда 2,3-12,3 ц/га юқори дон ҳосили олинган;

кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни оддий усулда суғоришга нисбатан зиг-заг усулда суғориш ҳисобига тупроққа синган сув миқдори ортиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги сояда 5,9 %, мошда 7,2 % ортган, тупроқ заррачаларининг ювилиши 3,2-4,7 т/га га камайган, маъдан ўғитлар билан N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га меъёрда озиклантирилганда суғориш усулларига боғлиқ ҳолда соя дон ҳосили 7,1-7,2 ц/га, мош дон ҳосили 2,9-3,9 ц/га га ортганлиги аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда қияликнинг ювилган қисмида маъдан ўғитлар N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га қўлланилиб, гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдирилганда ғўзани Андижон-37 навида пахта ҳосили 32,8-34,0 ц/га, Султон навида 30,9-33,8 ц/га, қияликнинг ювилиб тушган тупроқлари ўтирган пастки қисмида ғўза навлари гектарига 80-90 минг туп кўчат қолдирилганда 36,6-45,4 ц/га ҳосил етиштирилган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза парваришланганда рентабеллик 5,0 фоизни ташкил этган бўлса, ғўза билан ҳамкор экинлар сабзи, лавлаги, мош турп, шолғом етиштирилганда рентабеллик 32,3-47,4 фоизни, ғўза қатор орасига кузги буғдой уруғи гектарига 4 млн.дона экилганда рентабеллик даражаси 8,0%, уруғ экиш меъёри 5 - 6 млн.донага ортганда рентабеллик 27,6-35,7 %, 28-30 см чуқурликда шудгорланиб гектарига 4 млн.дона уруғ экилиб, маъдан ўғитлар N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрда қўлланилганда 53,4 фоизни, кузги буғдойдан сўнг такрорий соя экини N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га меъёрда озиклантирилиб, зиг-заг усулда суғорилганда 41,1-68,9 фоизни, қияликнинг ювилган қисмида ғўзага маъдан ўғитлар N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га қўлланилиб, гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдирилганда 27,4-30,0 %, ювилиб тушган қисмида 80-90 минг туп кўчат қолдирилганда 47,3-47,9 фоизни ташкил этган. Ювилиб тушган қисмида кўчат қалинлигини ошириш рентабелликни 10-15 фоиз камайишга олиб келган. Маъдан ўғитларни юқори меъёрда қўлланилганга нисбатан меъёрни камайтириш ҳисобига рентабеллик 2,0-3,0 фоизга ортганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг бир бирига мослиги, олинган маълумотларни математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан солиштирилганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида жорий этилганлиги, Республика ҳамда Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ирригация эрозиясига учраган тупроқлари шароитида ғўза билан ҳамкор экинларни бирга парваришланганда пахта ҳамда сабзи, ош лавлаги, турп, шолғом ва мош етиштирилганлиги; тупроққа турлича ишлов бериб кузги буғдой экиш ва маъдан ўғитларни қўллашда униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши яхшиланиб, дон ҳосили ортганлиги, дондаги оксил ва клейковина сифати яхшиланиб, ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий соя, мош, ловия экинлари зиг-заг усулида суғорилганда оқова сувининг чиқиб кетиши камайиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги ортганлиги, қияликни тупроқ заррачалари ювилган ва ювилиб тушган қисмида кўчат қалинлиги ва ўғитлар меъёри аниқланган ҳамда агротадбирларнинг амалга оширилиши тупроқ зарраларининг ювилишини камайтириб, ер, сув ва маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда зироатлар ҳосилдорлигининг ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ирригация эрозиясига учраган Тошкент вилоятининг типик бўз, Андижон вилоятининг оч тусли бўз, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон ҳамда Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқларини муҳофазалаш ва зироатлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияларни (ғўза билан ҳамкор экин етиштириш, ғўза, кузги буғдой, такрорий экинлардан юқори ҳосил етиштириш) жорий этилганлиги, ер, сув ва маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортганлиги, тупроқ заррачалари ювилишини камайиши, тупроқ агрофизик ва агроёмвий хоссалари яхшиланиши, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлиги ортиши аҳолининг озиқ-овқат, чорвани ем-ҳашак, саъноатни ҳом-ашё маҳсулотларига бўлган талабини қондирилиши ҳамда юқори иқтисодий даромадга эришилганлиги билан изоҳланади.

Натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш. Тупроқ муҳофазаси ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омилларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Республикамизнинг пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойдан

юқори дон ҳосили етиштириш бўйича тавсиялар” ва “Ирригация эрозиясига учраган тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш” бўйича тавсиялар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3203-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда ирригация эрозиясига учраган тупроқларда асосий, такрорий ва ҳамкор экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилади;

ирригация эрозиясига учраган ерлардан кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротехнологияси Тошкент вилоятида 126 гектар, Андижон вилоятида 225 гектар, Қашқадарё вилоятида 75 гектар, Самарқанд вилоятида 87 гектар жами 513 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3203-сон маълумотномаси). Бунда тупроқ заррачаларининг ювилиши 2,3-4,7 т/га камайган, кузги буғдойдан 48,3-52,4 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, рентабеллик даражаси 35,3-38,4 фоизни ташкил этган.

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза билан ҳамкор мош экини етиштириш агротехнологияси Тошкент, Андижон, Қашқадарё вилоятларида 55 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3203-сон маълумотномаси). Натижасида 29,3-30,4 ц/га пахта ҳосили олинган ва унга қўшимча равишда 9,1-10,5 ц/га мош ҳосили етиштирилган;

кузги буғдойдан сўнг такрорий экинлар етиштириш агротехнологияси Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида 40 гектар, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида 111 гектар, Қашқадарё вилоятида 36 гектар, Самарқанд вилоятида 22 гектар, жами 209 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 02/020-3203-сон маълумотномаси). Натижада, ирригация эрозиясига учраган тупроқларда парваришланаётган такрорий экинларга маъдан ўғитлар $N_{50} P_{75} K_{50}$ кг/га қўлланилиб, оддий усулда суғорилганда соядан 16,5-17,9, мошдан 14,1-15,4 ц/га ҳосил олинган, зиг-заг усулида суғорилганда эса 1,4–1,9 ц/га юқори ҳосил етиштирилган, суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлиги 5,5-8,3 фоизга ортиб, тупроқ зарраларининг ювилиши 3,2–4,7 т/га камайган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўзадан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси элементлари Тошкент вилоятида 115 гектар, Андижон вилоятида 330 гектар, Қашқадарё вилоятида 86 гектар, Самарқанд вилоятида 121 гектар, жами 652 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 14 июлдаги 7 октябрдаги 02/020-3203-сон маълумотномаси). Бунда, ирригация эрозиясига учраган қиялик ерларнинг ювилган қисмида гектарига 80-90 минг туп ғўза кўчати қолдирилганда “Андижон-37” навидан 26,2 ц/га, “Султон” навидан 27,3 ц/га пахта ҳосили етиштирилган бўлса, кўчат сони 120-130 минг туп/га етказилганда 3,1-4,6 ц/га юқори ҳосил олинган ҳамда маъдан ўғитлар $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га қўлланилганда 2,5-4,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилган. Қияликнинг ювилган қисмида 120-130 минг туп/га кўчат қолдирилганга нисбатан 80-90 минг

қалинлигида 2,8-6,6 ц/га ҳосилдорлик ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚХООТИИЧМ ва ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 та мақола Республикада илмий журналларида ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек 1 та монография ва 2 та илмий тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ирригация эрозиясига учраган ерларда зироатлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехник омилларини аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган бўлиб, илмий тадқиқотларнинг мақсадидан келиб чиқиб, ирригация эрозияси жараёнлари ва унга қарши кураш чоралари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, асосий экин билан бирга ҳамкор экинлар етиштириш, кузги буғдой етиштиритиришда тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва озиклантриш меъёрлари, кузги буғдойдан сўнг такрорий экинлар етиштиришни тупроқ унумдорлиги, ғўзани кўчат қалинликлари ҳамда уларни озиклантриш меъёрини пахта ҳосилдорлигига таъсири, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда қўлланилган агротадбирларни тупроқни агрокимёвий, агрофизикавий ҳоссаларига таъсирлари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижалари келтирилган ва улар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказилган худуднинг тупроқ ва иқлим шароитлари ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган ирригация эрозиясига учраган Тошкент вилоятининг типик бўз, Андижон вилоятининг оч тусли бўз, Самарқанд вилоятининг ўтлоқи аллювиал ва Қашқадарё вилоятининг тақирсимон ерлари тупроқ-иқлим шароити, ушбу ерларда ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, шолғом, турп) экинлар етиштириш, кузги буғдойни экишдан олин тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ сарфи ва маъдан ўғитлар меъёрини дон ҳосилдорлигига, такрорий экинларни зиг-заг усулда суғориш ва озиклантириш меъёрини ҳосилдорликка, қиялик даражасига боғлиқ ҳолда ғўза навлари кўчат қалинлиги ва уларни озиклантириш меъёрларини пахта ҳосилдорлигига таъсири бўйича дала тажрибалари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услублари асосида тажрибалар бажарилган, Б.Доспехов (1985) услуби асосида маълумотларга математик-статистик ишлов берилган, экинларни парваришлаш агротехник тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Тупроқни эрозиядан муҳофазалаш ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омилларининг тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири” деб номланган учинчи бобида ирригация эрозиясига учраган типик бўз, оч тусли бўз, ўтлоқи аллювиал ва тақирсимон тупроқлар шароитларида ғўза билан ҳамкор экинлар етиштириш, кузги буғдойни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ сарфи ва маъдан ўғитлар меъёрлари дон ҳосилига, такрорий экинларни маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш усуллари ҳамда ғўза навларини қиялик даражасига боғлиқ ҳолда кўчат қалинликларини жойлаштириш ва озиклантириш меъёрларини тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири баён этилган. Типик бўз тупроқларда тажриба кўйишдан олдин тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда $1,27 \text{ г/см}^3$, 30-50 см қатламда $1,32 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этиб, амал даври охирига бориб, назорат вариантда юқорида кўрсатилган қатламларда $1,37 \text{ г/см}^3$; $1,45 \text{ г/см}^3$ ҳамда ҳамкор экинлар парваришланганда қатламларга мутаносиб равишда 0,03 ва 0,01 г/см^3 га камроқ зичлашган ҳамда бу қонуният оч тусли бўз ва тақирсимон тупроқларда ҳам аниқланган.

Ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроқнинг ҳажм массаси амал даврининг бошида буғдойнинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши учун қулай бўлиб, уруғ экишдан олдин 12-14 см чуқурликда ғўза қатор орасига культиватор билан ишланганда 0-30 см қатламда ҳажм массаси $1,30 \text{ г/см}^3$, ғоваклиги 51,9%, 30-50 см қатламда ҳажм массаси $1,41 \text{ г/см}^3$, ғоваклиги эса 47,8% ни ташкил этган ҳолда чизелланган вариантларда ҳажм массаси $0,03 \text{ г/см}^3$ га камайиб, ғоваклик 4,3 фоизга ортган, 28-30 см чуқурликда шудгорланганда эса ҳажм массаси $0,05 \text{ г/см}^3$ га камайган ва ғоваклиги 5,9 фоизга ортган. Кузги буғдойни парваришлаш учун ўтказилган агротехник тадбирлар натижасида амал даврининг охирида барча вариантларда тупроқнинг ҳажм массаси ортган бўлиб, энг юқориси ғўза қатор орасига кам

меъёрда (4 млн/га) уруғ экилган ҳамда гектарига $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг меъёрда қўлланилганда тупроқни 0-30 см қатламида $1,48 \text{ г/см}^3$, ғоваклиги 45,0%, 30-50 см қатламда эса $1,55 \text{ г/см}^3$, ғоваклиги 42,8% ни ташкил қилган. Ушбу тупроққа ишлов бериш усулида уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона га оширилганда эса 0-30 см қатламда $0,07-0,05-0,06 \text{ г/см}^3$, 30-50 см қатламида $0,08-0,04-0,02 \text{ г/см}^3$ гача камайган, ғоваклиги 0-30 см қатламда 47,7-48,7-49,6 фоиз, 30-50 см қатламда эса 45,3-44,3-45,0 фоизни ташкил қилган (1-жадвал).

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экин соя ўсимлигида маъдан ўғитлар қўлланилмаганда тупроқ ҳажм массаси мавсум бошидан охирига томон 0-30 ва 30-50 см қатламларда $1,37$ ва $1,44 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этиб, энг кам зичлашиш кузатилди. Такрорий экин сифатида ловия экилганда эса $1,42 \text{ г/см}^3$ ва $1,52 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди. Ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз, ўтлоқи аллювиал, тақирсимон тупроқлар шароитида такрорий экилган соя ва мош экинлари тупроқнинг ҳажм массасига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза навларини кўчат қалинлигини ерларнинг қиялик даражасига боғлиқ ҳолда жойлаштириш ва озиклантириш меъёрлари ўрганилган тажрибада тупроқнинг ҳажм массаси чигит экиш олдидан аниқланганда қияликнинг ювилган қисмида 0-30 см қатламда $1,28 \text{ г/см}^3$, 30-50 см да $1,33 \text{ г/см}^3$ бўлса, ювилиб тушган қисмида $1,26-1,31 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди. Мавсум охирида эса далани ювилган қисмида тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда $0,05-0,10 \text{ г/см}^3$, 30-50 см қатламда $0,04-0,06 \text{ г/см}^3$, ювилиб қисмда $0,03-0,07$; $0,02-0,06 \text{ г/см}^3$ га ортган.

Ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, шолғом, турп) экинлар парваришланганда даланинг сув ўтказувчанлиги тажриба бошида $1116 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилган бўлса, амал даври охирига келиб назоратда $722 \text{ м}^3/\text{га}$, ғўза билан бирга мош экилганда $903,6 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилди. Андижон вилояти оч тусли бўз ва Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқларининг сув ўтказувчанлиги ҳам амал даврининг охирида тупроқнинг зичлашиши натижасида сув ўтказувчанлиги камайган. Энг яхши кўрсаткич ғўза қатор орасига мош экилганда қайд қилинган.

Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида тупроқни сув ўтказувчанлиги амал даври бошида ғўза қатор орасига культиватор билан ишлов берилганда $875 \text{ м}^3/\text{га}$, амал даврининг охирига келиб 4 млн.дона уруғ экилган ҳамда энг кам меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда $638 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлган. Маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда қўлланилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мос равишда $657-723 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлиб, шудгорланган далада уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона бўлганда маъдан ўғитлар меъёрларига мос равишда $811, 827$ ва $856 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилди. Ерни кузда шудгорлаб кузги буғдой экилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ғўза қатор орасига культивация билан ишлов берилиб ва чизелланиб сўнгра экилганга нисбатан яхшиланган.

**Ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроққа ишлов бериш,
уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқнинг ҳажм массаси ва
ғоваклигига таъсири**

№	Тупроқ қатлами, см	Вўза қатор орасига экилганда		Чизеллаб экилганда		Кузги шудгорланиб экилганда	
		г/см ³	%	г/см ³	%	г/см ³	%
0*	0-30	1,30	51,9	1,27	53,0	1,25	53,7
	30-50	1,41	47,8	1,33	50,7	1,32	51,1
1	0-30	1,48	45,2	1,43	47,0	1,37	49,3
	30-50	1,55	42,6	1,48	45,2	1,47	45,6
2	0-30	1,43	47,0	1,42	47,4	1,36	49,6
	30-50	1,54	43,0	1,47	45,6	1,46	45,9
3	0-30	1,42	47,4	1,37	49,3	1,35	50,0
	30-50	1,50	44,4	1,47	45,6	1,45	46,3
4	0-30	1,44	46,7	1,42	47,4	1,36	49,6
	30-50	1,56	42,2	1,56	42,2	1,45	46,3
5	0-30	1,44	46,7	1,41	47,8	1,34	50,4
	30-50	1,54	43,0	1,55	42,6	1,43	47,0
6	0-30	1,43	47,0	1,40	48,1	1,33	50,7
	30-50	1,52	43,7	1,56	42,2	1,42	47,4
7	0-30	1,41	47,8	1,40	48,1	1,33	50,7
	30-50	1,47	45,6	1,51	44,1	1,40	48,1
8	0-30	1,38	48,9	1,38	48,9	1,32	51,1
	30-50	1,50	44,4	1,49	44,8	1,38	48,9
9	0-30	1,36	49,6	1,37	49,3	1,31	51,5
	30-50	1,48	45,2	1,44	46,7	1,36	49,6

Ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойдан сўнг такрорий (соя, мош, ловия) экинлари экиб етиштирилганда суғориш усуллари, маъдан ўғит меъёрлари ҳамда экин турларининг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига сезиларли даражада таъсир этганлиги аниқланди. Тажрибанинг охирига келиб, соя экилган, ўғит қўлланилмаган, оддий эгатдан суғорилган вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 1173,8 м³/га, шу усулда суғорилган, гектарига азот-50 кг, фосфор-75 кг, калий-50 кг қўлланилганда 1309,5 м³/га ҳамда юқори ўғит меъёри, азот-75 кг, фосфор-110 кг ва калий-75 кг қўлланилганда эса 1309,5 м³/га ни ташкил этган бўлса, мош ва ловия экилганда энг яхши кўрсаткичлар (1250,3-1215,1 м³/га) суғоришни зиг-заг усулида ва ўғитлар меъёри гектарига азот-75 кг, фосфор-110 кг ва калий-75 кг қўлланилганда кузатилган.

Диссертациянинг “Тупроқни эрозиядан муҳофазалаш ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омилларининг тупроқнинг агрокимёвий ҳоссаларига таъсири” деб номланган бўлимида ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза билан ҳамкор экинлар экишдан олдин 0-30 см қатламда гумус миқдори 0,828 %, 30-50 см қатламда 0,674 % ни, умумий азот миқдори қатламларда 0,070; 0,059; %, фосфор 0,098; 0,085 % лиги ҳамда гумус билан кам, ҳаракатчан азот жуда кам, фосфор билан ўртача таъминлангани аниқланган. Андижон вилоятида ўтказилган тажрибада тупроқни 0-30 см қатламида нитратли азот 11,0 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 14,2 мг/кг, калий 160 мг/кг, гумус 1,08 фоизни ташкил қилган. Амал даврининг охирига келиб, ирригация эрозияси таъсирида оқова сувлари билан озика унсурларнинг ювилиши, ўсимликларни ўзлаштирилиши натижасида уларнинг миқдори камайган. Ғўза билан мош экилганда нитратли азот июл ойида 12,6 мг/кг, сентябрда 9,0 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, фосфор тегишлича 24,2 – 9,0 мг/кг, калий 245 ва 220 мг/кг, гумус 1,07 % ни ташкил қилган. Қашқадарё вилояти шароитида амал даври бошида нитратли азот 0-30 см қатламда 8,15 мг/кг, 30-50 см қатламда 3,02 мг/кг, фосфор эса мос равишда 10,5 ва 2,7 мг/кг, калий 160 ва 140 мг/кг ни ташкил қилган. Амал даври охирига келиб, ҳаракатчан озика моддалар миқдори, суғориш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Амал даври охирига келиб тупроқнинг 0-30 см қатламида нитратли азот 4,82 мг/кг, 30-50 см да 1,22 мг/кг, фосфор эса 5,3 ва 2,0 мг/кг, калий 120 ва 160 мг/кг, шунга ўхшаш ҳолат 2-вариантда 0-30 ва 30-50 см қатламларда нитратли азот 5,95 ва 1,57 мг/кг, фосфор 5,5 ва 2,2 мг/кг, калий эса 120 мг/кг атрофида бўлганлиги кузатилди. Қолган вариантларда ушбу қатламларда мос равишда нитратли азот 4,62-2,08 мг/кг, фосфор 5,0-3,0 мг/кг, калий эса 100-120 мг/кг оралиғида бўлган.

Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрокимёвий ҳоссаларига таъсири кузги буғдойни экишдан олдин аниқланганда 0-30 см ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,827 фоиз, ялли азот 0,098, фосфор 0,130 фоизни ташкил қилган бўлса, 30-50 см қатламда эса гумус 0,788, азот 0,074, фосфор 0,110 фоизни ташкил этиб, амал даври охирига келиб, ғўза қатор орасига экилганда 0-30 см қатламида гумус 0,828 фоиз, умумий азот 0,096 %, фосфор 0,118 %, нитратли азот 8,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 28,8 мг/кг, алмашинувчи калий 144 мг/кг лиги аниқланди. Маъдан ўғитлар меъёри $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га қўлланилганда гумус 0,838 %, умумий азот 0,100 %, фосфор миқдори 0,129 фоизни, нитратли азот 11,4 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 32,4 мг/кг, алмашинувчи калий 151 мг/кг ни, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган ва маъдан ўғитлар меъёрларига мос равишда гумус миқдори 0,830; 0,840 ва 0,849%, умумий азот 0,099; 0,100 ва 0,102%, умумий фосфор миқдори эса 0,121; 0,123 ва 0,126%, нитратли азот 8,0; 9,5 ва 10,9 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 27,6; 29,9 ва 32,6 мг/кг, алмашинувчи калий эса 144; 146 ва 150 мг/кг га тенг бўлганлиги аниқланди, 16-18 см чуқурликда чизелланиб, кузги буғдой уруғи гектар ҳисобига 6 млн.дона экиллиб, маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$, $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га

қўлланилганда тупроқ таркибидаги гумус 0,828; 0,829 ва 0,836% ни, ялпи азот 0,098; 0,100 ва 0,103% ни, умумий фосфор 0,119; 0,120 ва 0,122 % ни ташкил қилган бўлса, ҳаракатчан азот 8,2; 9,4 ва 10,4 мг/кг, фосфор 26,8; 29,4 ва 31,4 мг/кг ни, 28-30 см чуқурликда шудгорланиб кузги буғдой уруғини гектарига 6 млн.дона экилиб, маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$, $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га қўлланилганда эса гумус 0,831; 0,841 ва 0,843 %, умумий азот 0,096; 0,102 ва 0,105 %, умумий фосфор миқдори 0,122; 0,124 ва 0,139 %, нитратли азот 8,3; 9,9 ва 11,0 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 28,2; 30,4 ва 33,4 мг/кг, алмашинувчи калий эса 146; 147 ва 152 мг/кг ни ташкил қилган.

Ирригация эрозиясига учраган ерларда такрорий экинлар экишдан олдин ялпи азот 0-30 см қатламда 0,038 % га, 30-50 см қатламда 0,031 %, фосфор 0,108-0,091 %, гумус 0,595-0,542 %, такрорий мош экилганда нитратли азот 0-30 см қатламда 6,87 мг/кг, 30-50 см қатламда 6,42 мг/кг, фосфор тегишлича 24,65 ва 12,25 мг/кг, калий 160,0 ва 140,0 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, амал даври охирига келиб бу кўрсаткич маъдан ўғит қўлланилмаганда қатламлар бўйича мос равишда нитратли азот 5,98-4,96 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 27,8-11,5 мг/кг ни ташкил этди. Такрорий мош зиг-заг усулида суғорилиб, гектарига 50 кг азот, 75 кг фосфор ва 50 кг калий қўлланилганда нитратли азот 0-30 см қатламида 6,26 мг/кг, 30-50 см қатламда 6,20 мг/кг, фосфор 22,0 ва 11,0 мг/кг, калий эса 210 ва 130 мг/кг бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Ирригация эрозиясига учраган ерларда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ювилиш жараёнларига таъсири”** бўлимида ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом) экинлар экилганда ғўзани суғориш натижасида оқова суви билан тупроқ заррачаларининг ювилиши турлича бўлган. Мавсум давомида тажриба йиллари ҳар эгатдан суғорилганда 22,1; 24,9 ва 26,3 т/га, эгат оралатиб суғорилганда 19,1; 21,3 ва 24,6 т/га тупроқ ювилган. Энг кам ювилиш ғўза қатор орасига сабзи экилганда 17,6; 19,5 ва 22,5 т/га ни ташкил этган. Яъни, фақат бир эгатдан суғорилганда назоратга нисбатан 2,7 т/га, ғўза қатор ораларига илдиз мевали ва дуккакли экинлар экилганда 3,5 – 4,5 т/га камроқ тупроқ ювилган. Андижон вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроқни энг кўп (23,6 т/га) ювилиш ғўза якка қаторда экилиб, ҳар эгатдан суғорилганда кузатилди. Ҳамкор экинлар экилганда тупроқни ювилиши амал даври давомида, айниқса улар яхши илдиз отиб олган, ер устини поялар ҳам эгаллаб олгандан кейин эгатлардаги сув оқими сусайди, кейинги амал сувларида ювилишни кескин камайганлиги аниқланди. Энг кам 16,2 т/га тупроқ ювилиши ғўза қатор орасига сабзи экилганда кузатилди ва назоратга нисбатан 7,4 т/га кам тупроқ заррачалари ювилган. Ҳар эгатдан суғорилганда тупроқ заррачалари билан гектаридан гумус 166,1 кг ювилган бўлса, қатор оралатиб суғорилганда 149,3 кг, ғўза билан ҳамкор экин лавлаги экилганда 145,5 кг, азот 23,5; 21,5; 21,3 кг/га ни ювилганлиги аниқланди (2-жадвал).

Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ ва маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқ заррачаларининг ювилишига таъсири кузги буғдойни суғориш

натижасида тупроқ заррачаларини ювилиши ғўза қатор орасига экилган кузги буғдойни суғориш натижасида мавсум давомида кўчат қалинлиги гектарига 4 млн.дона ҳисобида экилган, маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда берилганда 13,4 т/га тупроқ ювилиб, ушбу меъёрда уруғ экилиб маъдан ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га гача оширилган вариантларда тупроқ заррачаларининг ювилиши мос равишда 12,6 ва 12,3 т/га ни ташкил қилган. 28-30 см чуқурликда шудгорланиб, 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган ва маъдан ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$ ҳамда $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда озиклантирилганда ювилиш жараёнлари нисбатан камайган ва мос равишда 9,7; 9,2 ва 8,7 т/га ни ташкил қилганлиги аниқланган (1-расм).

2-жадвал.


Ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом) экинларни суғориш натижасида тупроқ зарралари билан йўқотиладиган озика унсурлар миқдори, кг/га

Кўрсаткич-лар	Вариантлар						
	Ғўза оддий усулда суғорилган	Қатор оралагиб суғорилган	Ғўза+сабзи	Ғўза+лавлаги	Ғўза+мош	Ғўза+турп	Ғўза+шолғом
Чиринди	166,1	149,3	140,1	145,5	143,3	141,1	141,2
Азот	23,5	21,5	19,9	21,3	21,8	19,2	19,4
Фосфор	31,8	28,2	26,8	29,5	28,2	27,2	27,1
Каалий	29,6	26,8	25,1	27,5	26,3	25,7	25,8

Андижон вилоятини ирригация эрозиясига учраган тупроқлар шароитида ғўза қатор орасига культиватор билан 12-14 см чуқурликда ишлов берилиб кузги буғдой гектарига 4 млн дона уруғ экилиб, кам меъёрда ўғит ($N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га) қўлланилганда суғориш натижасида 15,6 тонна тупроқ ювилган бўлса, бу кўрсаткич экиш меъёри гектарига 5 млн дона бўлганда 15,6 тоннани, уруғни 6 млн донага етказилганда эса 14,9 тоннани ташкил этиб, маъдан ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ ҳамда $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га қўлланилганда тупроқни ювилиши гектарига 0,8-2,1 т/га, 28-30 см чуқурликда шудгорланиб кузги буғдой экилганда эса 1,3-3,2 т/га тупроқ зарралари ювилши камайганлиги аниқланган.

Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилган тажрибаларда ғўза қатор орасини культивация қилиб, 4 млн.дона буғдой уруғи экилганда 13,1 т/га тупроқ ювилган бўлса, ушбу ишлов беришда уруғ гектарига 5-6 млн.донага оширилганда туп сони ортиши ҳисобига тупроқ заррачалари ювилиши 0,6-1,8 т/га, шудгорланганда оқова сувини камайиши, кўчат қалинлигини юқори бўлиши натижасида тупроқни ювилиши 2,5-3,2 т/га камайган.

Қашқадарё вилоятининг ирригация эрозиясига учраган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойни суғориш натижасида энг кўп миқдорда тупроқ ювилиши ғўза қатор орасига 4 млн.дона уруғ экилганда (12,3 т/га) кузатилди, кузги буғдойни экиш меъёри 6 млн.дона экилганда (10,7 т/га) ҳамда 28-30 см чуқурликда шудгорланиб сўнг буғдой экиб етиштирилганда тупроқ заррачаларининг ювилиши (10,6 ва 8,4 т/га) камайганлиги аниқланган.



1-расм. Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқ заррачаларининг ювилишига таъсири, т/га


Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида такрорий соя оддий эгатдан суғорилганда оқова суви билан ювилиб кетаётган тупроқ миқдори амал даври давомида гектарига 8,3 тоннани ташкил этган бўлса, зиг-заг усулида суғорилганда соя экилганда 6,2 т/га ва мош экилганда 4,9 т/га ни ташкил этган. Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари шароитида такрорий экинларни зиг-заг усулда суғорилганда тупроқ зарраларини ювилиши гектаридан 2,5-3,8 тонна камайганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Тупроқни эрозиядан муҳофазалаш ҳамда зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омилларини зироатларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири**” бўлимида Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза билан ҳамкор (сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом)

экинлари экилиб парваришланганда ғўза ўсимлиги ўсиш ва ривожланиши яхшиланган. Ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза ҳар эгатдан суғорилганда 25,1 ц/га, ғўза қатор оралатиб суғорилганда 27,8 ц/га пахта ҳосили етиштирилган бўлса, ғўза қатор орасига ҳамкор сабзи, лавлаги, мош, турп, шолғом экилганда пахта ҳосили гектарига 28,2; 28,5; 29,4; 28,6; 28,8 центнерни ташкил қилиб, шу билан бирга ғўза қатор ораларига экилган ҳамкор экинларидан 37,3 ц/га сабзи, 47,3 ц/га лавлаги, 17,1 ц/га мош, 48,4 ц/га турп, 46,0 ц/га шолғом қўшимча ҳосили олишга эришилган (2-расм).

Андижон вилоятининг эрозияга учраган оч тусли бўз тупроқларида ирригация эрозиясининг салбий ҳолатини олдини олиш учун ғўза билан ҳамкор экинлар экилганда тупроқ ювилишини олдини олиш билан бир қаторда 32,3 ц/га пахта ҳосилига қўшимча 30,5 ц/га сабзи, 21,4 ц/га лавлаги, 17,1 ц/га мош, 32,6 ц/га турп, 33,7 ц/га шолғом ҳосили етиштирилган.

Қашқадарё вилоятининг ирригация эрозиясига учраган тупроқлари шароитида ғўза экилган даланинг ҳар бир эгатидан суғорилганда 36,8 ц/га пахта ҳосили етиштирилган бўлса, ғўза эгат оралатиб суғорилганда пахта ҳосили 5,6 ц/га ортган. Ғўза қатор орасига ҳамкор экинлар экилганда пахта ҳосилига қўшимча мошдан 14,4 ц/га, лавлагидан 19,7 ц/га, шолғомдан 21,8 ц/га ва турпдан 22,5 ц/га ҳосил олинган.




$HCP^{***} = t_{05} S_d = 1,38$

2-расм. Ирригация эрозиясига учраган ерларда ғўза ва ҳамкор экинлар ҳосили, ц/га

Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойни ғўза қатор орасига 6 млн.дона меъёрда

уруғ экилганда дон ҳосилдорлиги маъдан ўғитлар меъёрларига ($N_{150} P_{105} K_{75}$, $N_{200} P_{140} K_{100}$, $N_{250} P_{175} K_{125}$ кг/га) мос равишда 42,9; 50,6 ва 54,5 ц/га га, чизелланган вариантларда эса гектарига 4 млн.дона уруғ экилган ҳамда маъдан ўғитлар билан $N_{150} P_{105} K_{75}$, $N_{200} P_{140} K_{100}$ ва $N_{250} P_{175} K_{125}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда 34,7; 37,0 ва 40,7 ц/га ҳамда 28-30 см чуқурликда шудгорланиб гектарига 4 млн.дона уруғ экилиб, кам меъёрда ($N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га) маъдан ўғитлар қўлланилганда 44,5 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, маъдан ўғитлар меъёрлари $N_{200} P_{140} K_{100}$ ва $N_{250} P_{175} K_{125}$ кг/га га етказилганда дон ҳосили мос равишда 54,6 ва 62,0 ц/га ни, уруғ экиш меъёри гектарига 5 млн.дона бўлганда 44,1; 51,1 ва 58,3 ц/га бўлган бўлса, кўчат қалинлиги 6 млн.дона қилиб белгиланганда дон ҳосили 43,5; 47,8 ва 48,2 ц/га ни ташкил қилди (3-расм).

